



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 5 сентябрь, №185 (3297)

Жума



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 сентябрь кунин Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чжаосинни қабул қилди.

Хитой ташқи сиёсат мақамаси янги раҳбарининг мамлакатимизга бу илк расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар аҳволини яна бир карра кўриб чиқиш ва ҳамкорлик истиқболлини белгилаш учун яхши имкониятидир.

Президент Ислам Каримов учрашувда Ўзбекистон—Хитой муносабатлари жадал ривож топаётганидан мамнуният изҳор этди. Мамлакатимиз раҳбари шу йил 29 май кунин Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Москвада ўтган йилги доирасида ХХР раиси Ху Цзинтао билан учрашган эди.

Хамкорликни янги босқичга кўтариш учун янги асос бўлиб хизмат қиладиган ушбу учрашув якунида икки мамлакатда ҳам юқори баҳоланди. Мамлакатларимизнинг қатор халқаро муаммоларга қарашлари уйғунлиги боис Ўзбекистон билан Хитой нафақат ўзаро, балки кўп томонлама асосда ҳам хамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Унда Ўзбекистон билан Хитойнинг дунёда ва минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, терроризмга қарши кураш ҳамда кўпгина халқаро масалалар юзасидан қарашлари ҳамонанг экани таъкидланди. Сўхбат чоғида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада фаоллаштириш ҳамда Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ТОШКЕНТ (ЎАА мухбири Сайдмурод РАҲИМОВ). Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Солиқ Сафоев билан мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин ўртасида музокара бўлиб ўтди.

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Унда Ўзбекистон билан Хитойнинг дунёда ва минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, терроризмга қарши кураш ҳамда кўпгина халқаро масалалар юзасидан қарашлари ҳамонанг экани таъкидланди. Сўхбат чоғида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада фаоллаштириш ҳамда Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда

ТОШКЕНТ (ЎАА мухбири Н.УСМОНОВА). Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотлар ҳозирда ўз самарасини бермоқда. Бу ижобий ўзгаришлар дунёда ҳақли равишда “таълим ислохотининг ўзбек модели” номи остида танилди.

Лойиҳа ўттиз ойга мўлжалланган, ў ўтган йилнинг март ойида бошланган. Ҳозирги вақтда изчил амалга оширилаётган лойиҳа асосан қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган элликта касб-ҳўнар коллежини куриши ва таъмирлаш, ўқув муассасалари учун ускуналар харид қилиш, мутахассислар малакасини хорижда ошириш, техник ёрдам кўрсатиш каби йўналишларни қамраб олади. Лойиҳани амалга оширишда ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими марказига юнчиқар мамлакатининг ЮНИКО Интернетнейшл корпорейшн халқаро ташкилоти ходимлари кўмаклашмоқда.

ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИ — ЕВРОПАДА

Ўзбекистон Бадий академияси Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб ташқи этан мазкур талбир ташқи ишлар вазири, “Маҳалла” хайрия жағмараси, Тошкент фотосуратлар уйи билан хамкорликда ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган “Обод маҳалла йили” дастурида белгилаган талбирлар доирасида иш бошлаган ушбу кўргазма юртимизда фуқаролик бошқаруви органининг миллий модели бўлган маҳаллалар ҳаёти, уларда истиқомат қиладиган юрдошларимиз тақдирини, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти хусусида хорижликларга атрофдаги маълумот беради.

Юртимизда маҳаллаларнинг иқтисодий-ҳўқуқий мақомини янада мустақкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, асрлар мобайнида шаклланган миллий қадриятлар, урф-одатларини авайлаб-асрашга алоҳида эътибор қаратилади. Рустам Шарипов, Рустам Шагаев, Турсун Али, Константин Минайченко, Абдугани Жумаев, Шаҳноза Усмон, Виктор Вяткин, Владимир Жирнов каби ўзбекистонлик моҳир фото усталарининг кўргазмадан ўрин олган суратларида бу жиҳатлар ёрқин аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Президент Жаноби Олийларини Миллий байрами муносабати билан Сурия араб халқи ва шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда дўст Ўзбекистон Республикаси халқига самимий қўтловлар изҳор қилиш менга мамнуният бахш этади.

Шунингдек, Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, халқингизга эса янада тараққийёт ва равнақ тилашни истардим.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Башар Ал-АСАД, Сурия Араб Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Президент Жаноби Олийларини Миллий байрами муносабати билан Сурия араб халқи ва шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда дўст Ўзбекистон Республикаси халқига самимий қўтловлар изҳор қилиш менга мамнуният бахш этади.

Мамлакатингиз ва халқингизнинг янада юксак тараққийёт ҳамда уйғунликка эришувини тилаб билдирган энг эзу истақларимни ҳам дўстдан қабул қилгайсиз.

С.Р.НАТАН, Сингапур Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Президент Жаноби Олийларини Миллий байрами муносабати билан Мьянма халқи, ҳўкумати номидан, шунингдек, ўз номидан қизгин қўтловлар ҳамда шаҳсан Сизга омонлик, Ўзбекистон Республикаси халқига эса тинчлик ва равнақ тилаб билдирган самимий истақларимни изҳор этаман.

Генерал Тан ШВЕ, Мьянма Иттифоқи тинчлик ва ривожланиш Давлат кенгашининг Раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Президент Жаноби Олийларини Миллий байрами муносабати билан Сурия араб халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизга ва халқингизга қўтловлар ҳамда самимий салом йўлламан.

Мамлакатларимиз ўртасидаги яхши дўстлик ва хамкорлик муносабатлари ривожланиб бораверишига ишонман ҳамда фурсатдан фойдаланиб, мамлакат равнақи ва барқарорлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда Сизга каттадан-катта муваффақиятлар тиламан.

Ким Ен Нам, Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлисининг Раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Президент Жаноби Олийларини Миллий байрами муносабати билан Сурия араб халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизга ва халқингизга қўтловлар ва мамлакатингизга ҳар томонлама равнақ ва фаровонлик тилаб билдирган самимий истақларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ишонч билдираманки, мамлакатларимиз билан халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро фойдали хамкорлик ҳамжиҳатлик руҳида, дунёда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлида муваффақиятли ривожланиб бораверади.

Светозар МАРОВИЧ, Сербия ва Черногория Президенти, Сербия ва Черногория Вазирилар Кенгаши Раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Президент Жаноби Олийларини Миллий байрами муносабати билан Мальдив ҳўкумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон ҳўкумати ва биродар халқига самимий табрикларимиз ва эзу тилақларимиз изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сийҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига эса тараққийёт ва фаровонлик тиламан.

Мамун АБДУЛҚАЮМ, Мальдив Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Президент Жаноби Олийларини Миллий байрами муносабати билан Сурия араб халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизга ва халқингизга қўтловлар ва мамлакатингизга ҳар томонлама равнақ ва фаровонлик тилаб билдирган самимий истақларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар келажда янада ривожланиб бораверишига ишонман.

Жаноби Олийларини, Сизга мустақкам соғлиқ, узоқ умр ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасининг биродар халқига эса фаровонлик истаб йўллаган тилақларимни қабул этгайсиз.

Ижауддин АҲМАД, Бангладеш Халқ Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Президент Жаноби Олийларини Миллий байрами муносабати билан Сурия араб халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизга ва халқингизга қўтловлар ҳамда Сизга мустақкам соғлиқ, узоқ умр ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасининг биродар халқига эса фаровонлик истаб йўллаган тилақларимни қабул этгайсиз.

Полковник Муаммер ҚАЗЗОФИЙ, Улуғ Ал-Фатх Инқилоби Раҳбари.

ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНЯПТИ

ТОШКЕНТ (ЎАА мухбири Э.МУХТАРОВ). Украинанинг Ўзбекистондаги Факултети ва мухтор элчиси Анатолий Касяненко ўз мамлакатини мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказди.

Талбирда элчи мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланишига алоҳида таъкид қилди. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сўнгги олти йил ичида қарийб икки баробар ўсгани қайд этилди.

АНДИЖОН (ЎАА мухбири С.ШУКУРОВ).

Эндиликда Андижон мактаб ўқувчилари Интернет орқали хат ёзиша олади. Вилыот марказидаги 31-мактабда “Ўзбекистон мактаблари учун компьютерлар” лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди.

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ МАКТУБЛАР

бир қисми, унинг давомида республиканинг 102 та мактаби 1000 дан ортиқ компьютер олади, улардан 66 таси Интернетга уланган бўлади, — дейди USAIDнинг Ўзбекистондаги вакили Бет Саламанка-хоним. — Келгусида беғараз ёрдам ҳажми оширилиши мумкин. Компьютер синфларида фақат информатика бўйича дарслар ўтказилмайди. Дарс жадвалида география, тарих, чет тиллари каби фанлар ҳам бор.

Қишлоқда кўшма корхона

Ойим аграр қишлоқдан замонавий энгил саноат ривож топган шаҳарчага айланди, десак асло муболага бўлмайди. Негаки, бу сўлим гўшда мамлакатини момиқ сочиқ билан таъминлайдиган корхоналар ишлаб турибди. Утган кундан бошлаб эса улар қаторига яна бир йирик корхона — «Ойимтекстиль» — Ўзбек-Хитой кўшма корхонаси қўшилди.

Қишлоқда кўшма корхона

Ойим аграр қишлоқдан замонавий энгил саноат ривож топган шаҳарчага айланди, десак асло муболага бўлмайди. Негаки, бу сўлим гўшда мамлакатини момиқ сочиқ билан таъминлайдиган корхоналар ишлаб турибди. Утган кундан бошлаб эса улар қаторига яна бир йирик корхона — «Ойимтекстиль» — Ўзбек-Хитой кўшма корхонаси қўшилди. Унинг ишга туширилиши нафақат минглаб тонна калава ип ишлаб чиқариш, балки юзлаб оймликларини муҳим иш ўрни билан таъминлаш имконини беради.

«Ойимтекстиль» маҳсулотларининг асосий қисмини хорижга экспорт қилиш кўзда тутилган.

О.ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимизда

ҲОКИМЛИКДАГИ УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Лондон Сити Лорд-мэри Гэвин Артур Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шобураҳмонов билан учрашди. Унда пойтахтимиз билан Лондон Сити ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

ТОШКЕНТ СЕВИМЛИ ШАҲРИМ

Пойтахтимизнинг Сергели туманида «Тошкент сеvimли шаҳрим» мавзусида талбир ўтказилди. Унда ёшлар пойтахтимизнинг гўзал қошоналари, мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритдилар. Талбирни ўтказишдан мақсад Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги ҳамда «Обод маҳалла йили» муносабати билан маҳалла ёшларида табиатга, она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини тарбиялаш ва кучайтиришдан иборатдир.

Ўз мухбиримиз.

Жойлардан хабарлар

Қариялари қадрланган юрт

Косонсойдаги уруш ва меҳнат фахрийлари сийҳатдошининг иккинчи навбати ишга тушди. Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда вилыот ҳокимлигининг амалий кўмагида қисқа муддатда 120 миллион сўмлик иш бажарилиб, 70 ўринли бино замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Туман ҳокимлиги сийҳатдошини ободонлаштириш ва сўғаламзорлаштириш ишларида 30 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлади. «Туркистон-пресс» мухбирининг хабар беришича, ушбу сийҳатдошининг биринчи навбати ўтган йили ишга тушган эди.

Қишлоқда кўшма корхона

Ойим аграр қишлоқдан замонавий энгил саноат ривож топган шаҳарчага айланди, десак асло муболага бўлмайди. Негаки, бу сўлим гўшда мамлакатини момиқ сочиқ билан таъминлайдиган корхоналар ишлаб турибди. Утган кундан бошлаб эса улар қаторига яна бир йирик корхона — «Ойимтекстиль» — Ўзбек-Хитой кўшма корхонаси қўшилди. Унинг ишга туширилиши нафақат минглаб тонна калава ип ишлаб чиқариш, балки юзлаб оймликларини муҳим иш ўрни билан таъминлаш имконини беради.

«Ойимтекстиль» маҳсулотларининг асосий қисмини хорижга экспорт қилиш кўзда тутилган.

О.ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИККИ ОЛТИН, ИККИ БРОНЗА

БУХОРО. (ЎАА мухбири Илҳом САФАР). Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган бухоролик спортчилар Равшан Хўжаев (75 килограмм) ва Нодир Фуломов (81 килограмм) шўхсупаниннг энг юқори поғона-

сига кўтарилиди. Ражаб Раҳматов (69 килограмм) ва Сўхроб Раҳматов (75 килограмм) эса бронза медалини қўлга киритди.

Газета саҳифаланаётганда...



Орамиздаги одамлар

«... Пахта ва галладан юқори ҳосил етиштириб, кетма-кет иккита «Нексия» ни мукофотга олганимда нақ атрофимда шов-шув кўпайди. Энди чинакам юлдуз каби порладингиз, дегувчилар бўлди. Мен ўйланиб қолдим. Юлдуз бўлиб ном чиқариш... Эҳ, айтишга осон! Баъзан ҳафталаб дала бошида қолиб кетсан. Нима еб, нима ичганинг, қачон ухлаганинг, ҳатто уй, болачақа ташвишларини унутсан. Миянга эса биргина ўй: «Ҳосил қандай

бўлади, об-ҳаво қарашармикин?!» Шу ўй билан тонг-саҳар осмонга қарайсан, агар булутсиз бўлса сенинг ҳам юрагингда кўёш кўринади. Кечкурун яна уфққа тикиласан. У қузариб турса, кўнглинг ёришади. Кунлар шу тахлит ўтаверади. Бундай кунлар — менинг қисматим! Бошқачасини тасаввур ҳам қилолмайман...»

(Дустлик туманидаги «Юлдуз» фермер хўжалиги бошлиги Юлдуз ХОЛМАТОВА билан суҳбатдан).

ЮЛДУЗ БЎЛИШ ОСОНМАС

Каймоқранг «Нексия» дала йўли томон бурди. Рудда ўтирган аёл машинанинг ён томонидаги кўзуга бирор қараб олди. Исқидан тереганни учуми, бугдобранг юзлари хил қизарган. Кечги ўсманнинг изи кетмаган қошлари анада қуюқ торгандай. Чарқоқ туфайли кўзлари сал қисилган. Тим қора сочлари эса елкаси оша тўлғонади. Юлдузхон ўз қиёфасидан кўнгли тўлғаб, машина ойнасини қиялатиб очди. Гир-гир эсаётган шабада турли тибхлардини ичкарига олиб кирди. Аёл хушбўй ҳавонини ҳузурланиб симириди. У дала кўкатларини исқидан ажрата олди. Бўзоч, қалдирмоқ, шўра, сувқалам-пир... Ахир унинг болалиги далада ўтган. Эсида, отаси дастга гўза сургоргани бораётиб қизини ҳам олиб кетарди. Ушанда Юлдуз отасини тинмай саволатга тутар. «Ҳузанинг гуллари нега киши хил?», «Манани қўсақ бунча оғир?», «Қачон пахта очилади?» дейверарди. Отаси унга обдон тушунтирар, сўнг қийқачасини қайта боғлаб, яна ишга киришарди. Уша кезлардаёқ Юлдуз далага меҳр қўйди. Мактабини битирган, шартта кетмонини олди отаси ёнига отланди. Ойлар ўтиб, уни Сайхунбоддан олис даст қишлоғига узатиб келишганида ҳам худди бошқа

Очерк

келинчаклар каби чилла сақлаб ўтирмади. Янги жойга тезда эл бўлди, далада ишлаб ўзини кўрсатди.

«Дугоналарим шаҳардаги институтларга кириб илм эгаллашаётган йилларда мен ҳам қараб ўтирмади, ўз устимда ишладим, пахта етиштириш сирларини заррама-зарра ўргандим», дейди у гоҳо давраларда. Чиндан-да, шундай бўлди. Юлдуз Холматов 1984 йилдан то 1996 йилга қадар Жиззах вилоятининг Дустлик туманидаги Хўжам Исроиллов номи хўжаликда пахтачилик бригадаси бўлиб ишлаганини эслади, сўнг бўлим бошқарувчиси сифатида иш юритди. Тажрибаларига суяниб, қийинчиликларни енгиб ўтди. Одамлар билан ишлашни ўрганиди, шу одамларнинг меҳри унга куч берди, ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

— Истиқлолнинг имкониятларидан фойдаланиб, фермер хўжалиги ташкил этганимдан сўнг, мустақил ҳолда ишлаш жуда қийин кечди, — дейди у. — Дастлабки йилда 111 гектарга экилган пахта, 86 гектарга экилган галладан шартномада кўрсатилган ҳосилни йиғиб олишимга ҳеч кўзим етмаганди. Сабаби, узоқ йиллар кетма-кет экин экилавергани учун

га, галла эса гектаридан 44 центнерга кўтарилди. Олинган юқори даромадининг анча қисми хайри ишларга сарфланди. Тумандаги болалар боғчаларини қайта таъмирлаш, қишлоқ спортини жонлантириш, янги йўл қурилиши, «Наврўз» қишлоғида стадион барпо этиш, кам даромадли хонадонларга зарур миқдорда галла ҳосили тақсимлашга бош-қош бўлди.

— «Ерда ҳикмат кўп, ишласанг хор бўлмасан. Машаққатлар дуч келса сабр қил, бойсанг бошқаларга муруватди бўл», дея ўқитардилар отам. Онам эса бир коса оби ёвронини кимгадир илбини ўтирарди. Одамларга меҳри бўлишни мен ота-онамдан ўргандим. Ҳали-ҳануз кимнидир оғирини енгил қилсам, кимнидир кўнглини йўл топсам, роҳатланаман. Дунёда ҳеч бир нарса бундай роҳатнинг ўрнини босолмайди, — дейди Юлдузхон гап орасида. Унинг таъкидлашича, истиқлол йилларида кишиларнинг сараги саракча, лугачи пучкача ажралиб қолди. Озолик юрагида шижоати бор одамларга катта куч берди, уларни улуг ишларга илҳомлантирди. Мана, фермер хўжалиқларини олинг. Улар ўртасида рақобат тобора кучаймоқда. Ишнинг кўзини билдирганлари йириклашаётган.

ти, меҳнатдан бўйин товлаганлари эса майдаланиб тарқаб кетаётди. Ахир, дала заҳмати оғир-да. Ерга раватин бўлмаса, бу заҳматта дош бермоқ мушкул.

Юлдузхоннинг ўзи эса дала қадрайди, ери «ерим» дейди, пахта «пахтам», галлани «галлам» деб тилидан қўймайди. Ҳар бирини худди фарзанди каби кўнглига яқин олади. Кечани кеча, кундузини кундуз демасдан дала томон шошаверади. Уйда эса... Уйда уни ўғил-қизлари, набиралари интиқ бўлиб қутушади. Айниқса, байрамларда... Ҳовлига кириб бориши билан кенжа набираси барига отилса, Дилрабо, Дилнора қизлари қўлга оппоқ сочқил тўтса, тўнғичи Озодбек «Хорманг, энди!» дея сўраса, Сайёраҳон қизи «Она-жон, ош дам егунча бирпас мизиб олинг, чарчогингиз кетди» деб турса... Бундай кезларда Юлдузхон қалбида ширин бир ҳаловатни таъди. Аслида унинг умрини ёритиб турган лаҳзалар жуда кўп. Бироқ аёл киши аввало ўз оиласига таянади, чарчаган кезларида оиласидоғларининг юпанчидан, иссиқ сўздан қувват олади. Кунлари ҳаловат билмаган дала аёли учун бу нарсалар жуда қадрли...

«Сен умр бўйи ҳаловатда яшайдинг, демак, ҳеч вақт ҳаловат топмабсан!» деган экан бир файласуф. Юлдуз Холматованинг бор қувончи ва бахти ҳам унинг ҳаловатсиз ҳаётида эмасмикин, аслида?!

«Нексия» манзилига етиб келди. Пайкал бошида уни меҳнаткор йигитлар кутиб турарди. «Трактор бўлидимикин?» деган ҳаёлда аёл уларга ташвишланиб боқди. Йигитлардан бири самийини жилмайиб саломлашди, сўнг: — Қаранг, Юлдуз опа, пахтамыз очилди! — деди.

Юлдузхон унинг қўлидаги оппоқ чаноқни энди кўрди. Авайлаб олди. Шунда юрагида илқиб бир туйғу уйғонди. Фахрим, шодлигим... Айни вақтда бунга ўзи ҳам айтиб беролмасди.

Гулҳажа ЖАМИЛОВА.

Ишонч ортида масъулият бор

Депутатлик нима?
Вазифами, мартабами, обрўйми?
 — Ҳеч қайсиси эмас, — дейди Самарқанд вилояти Кенгаши депутати Ойдин Ҳамроева. — Менимча, халқнинг ҳақиқий хизматида бўлиш. Одамларнинг муаммоларини ҳал этиш, турмуш тарзининг яхшилинишига имкон қадар кўмаклашиш.

Яширининг ҳождати йўқ, сайловлар арафасида нафақат партиялар ва номзодлар, ҳатто сайловчилар ҳам жонланиб қолади. Аммо кўпинча, ана шу шиддат депутатнинг сайловдан кейинги фаолиятига давом этмайди. Фолиб номзодлар ўз ташвишига кўмилиб, депутатлик бурчини унутиб қўяди.

Ойдин Ҳамроева эса бундайлардан эмас. У ҳар кунини сайловчилари ташвиши билан, уларнинг муаммоларини ҳал этиш билан ўтказди. Узи аъзо бўлган ижтимоий-маданий ривожланиш масалаларини бўйича доимий комиссия йиғилишларида фаоллик кўрсатади.

— Комиссиянинг бўлиб ўтган йиғилишида халқ таълимидаги ислохотлар қандай бораётганини муҳокама қилдик, — дейди у. — Аъзоларимиз Фаиз Ҳайдаров, Баҳорид Шайхон билан фикримиз бир жойдан чиқди. Ҳар моддий техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрлар етишмаслиги масаласини кўтардик.

Дарвоқе, ҳақиқат баҳсларда турлади. Уша йиғилишда мактаблар ва мактабгача таълим тарбия муассасаларидаги янгилашни жараёнида йўл қўйилган нўсонларга эътибор қаратилди. Бочка ёшидаги болаларнинг жуда кам қисми тарбия муассасаларига жалб этилгани айтилди. Қарангки, доимий комиссия йиғилишида билдирилган фикрлар, қўйилган вазифалар ҳокимлик ва халқ таълими соҳасининг худудий раҳбарлари томонидан тўри қабул қилинди. Белгиланган чора-тадбирлар болалар боғчалари ишининг яхшиланishiга туртки бўлди.

Бошқа бир йиғилишда Ойдин Ҳамроева ҳар бир мактаб ўз ҳисоб рақамини очини, пуллик хизматни йўлга қўйиш, мутахассис кадрлардан умумий фойдаланиш тақдирларини олға сурди. Илгор таърибларга таяниш, ҳатто янгиликдан интильмайидан раҳбарлардан воз кечиш ҳақидаги мулоҳазаларни ривожлантириш, корхона ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари ўрганиб чиқилди.

Ушбу тадбирни ўтказиш учун Бухоро беҳиз танланмаган. Ҳозирда вилоятнинг учта туманида ташкилот-

таъкидлашди.

— Сайловчилар билан учрашганда уларнинг фикрини тинглаб завқланам, муаммоларини ҳал этганимда ўзимни жуда енгил ҳис қиламан, — дейди Ойдин Ҳамроева. — Энг муҳими, эл қорига яраётганим менга ҳаммаша завқ-шавқ бағишлайди. Билмаман, бугун йўлларни раван этиш, кўприк қуриш каби ишлар депутатнинг вазифасига кирмайди. Лекин сайловчилар бу каби юмушларни ҳам зимамга оқибатинишиди. Бундай талабларни қондириш учун айрим раҳбарлар билан тортиштишга ҳам тўғри келади.

Ойдин Ҳамроева «Каттақўрғон» ширкат хўжалигида барпо этилаётган стадион қурилишини назорат қилаётганини тўғри тушунадик. Депутат ҳақдорлар билан гаважм ишоотда болалар, ота-оналар билан суҳбатлашмоқда эди. У ёзи таълиқ мобайнида спорт муСОБАқаларини уюштириш, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида гапирарди.

— Депутат опамиз холи-жоқ нимизга қўймайди, — дейди ширкат хўжалиги бошқарувчиси Илҳом Мухаммадиев ҳазил аралаш. — Унинг сай-ҳаракати билан 35-мактабни газлаштирдик. Кам даромадли оилаларнинг 22 нафар фарзандига дарслик олиб бердик. Хўжалик худудлиги 3 та мактабнинг 10 нафар аълочи ва жамоатчи ўқувчисига стипендия таъсис қилдик.

— Депутат синглимиз тез-тез келиб туради, — дейди Полвонтепа қишлоқлик пенсионер Назира Эргашева. — Маҳаллада ёшлар, ота-оналар иштирокида турти тадбирлар уюштирди. Мурожатларимизни қўлидан келганича ижобий ҳал қилди.

— Ободончилик ишларида ҳам депутатимиз фаол, — дея суҳбатга қўшилди меҳнат фахрийси Евҳоч Ашуров. — Маҳалла-кўй тинчилиги ҳам ҳаммаша унинг эътиборида.

Эл ташвишини ўз ташвиши, деб билган Ойдин Ҳамроевага жонқурлик ҳос ҳислат. У бор жойда суҳбатга жон қиради, маънавий муҳитини янада яхшилаш ҳуСУСИДА жуяли фикрлар айтилади. Фикр-мулоҳаза бор жойда интиль бўлади, албатта.

Абдурусул САТҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳаллий кенгашларда

«Ватанпарвар» бозор шароитида

Мулофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Бухорода ўтказилган республика семинарида мулофаа жамаияти ташкилотлари қошида оммавий касбларга кадрлар тайёрлаш, кичик ва ўрта бизнес-

ни ривожлантириш, корхона ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари ўрганиб чиқилди.

Ушбу тадбирни ўтказиш учун Бухоро беҳиз танланмаган. Ҳозирда вилоятнинг учта туманида ташкилот-

лион сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундирилиб, қолгани ўрнини қоплаш бўйича жиноят ишлари тергов яқуни билан судларда 222 миллион 11 минг сўмлик зарарни ундириш бўйича даъво-аризалар киритилди. Ишларни судда қўриш жараёнида судланувчилар ва уларнинг қариндошлари томонидан 49 миллион сўмлик зарар тўланган.

Кези келганда, fairтабний, тасаввурга енгилдиш амри маҳол бўлган бир ҳолатта эътиборингизни қаратмоқчимиз. Нефть мақсулоти-рини ноқонуний ўзлаштирилганлиги кетидан тергов ҳаракатлари давом этаётган бир пайтда «Сурхондарёнефтьмақсулотлари» шўба унитар корхонасининг янги раҳбари Р. Бегалиев жиноятга қўл ўрлади. У 2002 йил 11 апрель кунин Жарқўрғон нефть мақсулотлари корхонаси бош оператори Юсуф Фармондов, уни аттестатидан ўтказиш, келажакда шу вазифада қолдириш эъланга, 1500 АҚШ доллари миқдоринда пора олаётган пайтда ушладик. Суд ҳукми билан жиноятчи 13 йил муддатта озодликдан маҳрум қилинади.

Худди шунингдек, Денов туман нефть мақсулотлари корхонаси бош ҳисобчиси Носирхон Суяров 2002 йил 8 июнь кунин «Иброҳим» фермер хўжалиги бошлиги Исроил Саидовдан «дизель ёнгилиси олиб бераман», деб 80 минг сўмин пора тариқасида олаётганда қўлга тушган. Ушбу жиноят иши бўйича ҳам суднинг ҳукми чиқарилди.

Ҳа, жиноятчи жазо муқаррар. Эълинг мулкнинг жингилдонига уриб, ҳам қилиб юборишни қўлла-галларнинг қолга маймулар йиллаши рости, Уллайимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг 2003 йил 19 майдаги 225-сонли қарори нефть корхоналарида бундай талон-торожиқларга қатъий чек қўлади.

Фахриддин БОЙЗОҚОВ,
Сурхондарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, одлия катта маслаҳатчиси.

БАНК КОЛЛЕЖИ ЯНГИ БИНОСИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назолат УСМОНОВА).

Истиқлол байрами кунлари пойтахтимизнинг Мойқўрғон мазеида Тошкент банк коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Гуломов тадбирда сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишлари давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан мустақиллик йилларида таълим соҳасида мутлақо янгича тизим — ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими жорий этилди. Бу умумий ўрта ва олий таълимни ўзаро боғлаб турувчи муҳим бўғиндир.

Коллеж замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер сифхоналари, кутубхона, спорт мажмуи, анжуманлар зали, ётоқхона, охиона билан таъминланган.



Чўғла хирмон нишонаси

Юртбошимиз водий сафари давомида ўзига хос леҳқончилик мактабини яратган асақалик пахтакорлар билан мулоқотда бўлгандилар. Ушанда гўза ривож ўтган йилдаги 18-20 кун орқада эканлиги қайд қилинганди. Замин билан тиллашиб келатган миришкорлар бу фарқни жадал ишлов туфайли қисқартириш чорасини кўришди.

Айни кунларда Асака тумани далаларида пахта қийғос очилган. Гўё бобо-деҳқоннинг орзулари оппоқ, момик пахта тимсолида очилгандай.

СУРАТДА: хўжалик раҳбари Ҳайтбой Исмоилов, бош пудратчи Маърифжон Қурбонов ва пудрат аъзоси Робихон Акбарова.

Тоҳирхон ҲАБРОҚУЛОВ олган сурат.

«Қипчоқ»да теннис мажмуаси

Сергеи тумани «Қипчоқ» маҳалласида янги теннис маркази фойдаланишга топширилди. Ушбу марказда болажонлар спортнинг теннис, бадминтон, гимнастика, оғир атлетика, бадминтон ва сузини йўналишлари бўйича шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

— Хизмат кўрсатиш асосан пулди. Лекин кўп болади, кам таъминланган оила фарзандлари учун маҳалла оқсоқолларининг берган кўрсатмаларига биноан имтиёзлар яратилди, — дейди туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг етакчи мутахассиси Маҳмадҷон Тоштемиров.

Ўз мухбиримиз.

БЕНЗИНФУРУШЛАР ЎЙИНИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярми яқунига бағишланган йиғилишида Президентимиз Ислам Каримов нефть корхоналари тизимида содир этилган қонунбузарликлар, суиестемолчиликларга ҳам алоҳида тўхтади. «Эндиликда «Ўзнефтьмақсулот» компанияси, хусусан, унинг марказий аппаратининг тузилмаси тўдан қайта кўриб чиқилди, юридик шахс сифатида фақат 25 та нефть базиси қолдирилди, қолганлари тутатилди ёки филиалга айланттирилди. Биз бу ишни охиригача етказишимиз шарт, энг муҳими, ушбу тизимга қандайдй йиғилиш олган «чаққон»лардан қатъият билан қутулиш зарур», дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, бундай қонунбузарликлар Сурхондарё вилоятида ҳам содир этилган. Хусусан, «Сурхондарёнефтьмақсулотлари» шўба унитар корхонаси директори С. Абрайқуловнинг бевосита бошчилиги ва ҳомийлигида Термиз шаҳар нефть мақсулотлари корхонасини директори Ш. Нориевда сақланётган, давлат захирасида бўлган 2175,5 тонна бензиннинг 435,1 тоннаси нақд пулга сотиб юборилган.

Бир ёлгон кетидан иккинчиси, бир жиноят ортидан бошқаси эргашиб келади. Ҳамтовқодлар камомад ўрнини қоплаш учун наватбадани жиноятга қўл уришган. Яъни, Термиз шаҳар нефть мақсулотлари корхонаси бош муҳандиси С. Қориев давлат захирасида сақланётган тўрт тонна бензинга 11-сигналдан фойдаланган ҳолда вакуум насослари ўртасида «махсус жўмрак» ўратини йўли билан 435,1 тонна дизель ёнгилиси қўшиб келган. Оқибатда давлат захирасида бўлган бензин миқдори тикланган бўлса-да, унинг сифати стандарт талабларига жавоб бермайдиган ҳолга келган. 2001 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида мажор шўба унитар корхонаси вакиллари Н. Ибрагимов ва Б. Эшимовини ва Термиз шаҳар

росини амалга ошириш чоғида спирлари фой қўлиши мумкин-лигидан чўчинган жиноятчилар оёғи куйган товукдек типирчиллаб қўришади. «Сурхондарёнефтьмақсулотлари» шўба унитар корхонаси директори С. Абрайқулов шу кунгёқ ўз хизмат хонасида барча туман ва шаҳар нефть базалари директорлари, бош оператор ва лаборантлар иштирокида кенгайтирилган йиғилиш чарқиб, 197-сонли буйруқ лойиҳаси-

ни тайёрлаттирди. Йиғилишдан сўнг Жарқўрғон туман нефть мақсулотлари корхонаси директори У. Холлиев, Денов туман нефть мақсулотлари корхонаси директори Ж. Холмуродов билан алоҳида-алоҳида учра-шини, юбориладиган захираларни бенизини гўёки ифлослиги сабабли худди келишиб олади. Шу тариқа Термиз шаҳар нефть мақсулотлари корхонасида 64,6 тонна, Жарқўрғон туман нефть мақсулотлари корхонасида 267,2 тонна, Шўрчи туман нефть мақсулотлари корхонасида 323,4 тонна, Денов корхонасида 602,9 тонна давлат захирасидан бенизини уюшган жиний гурӯҳ манфаатларини қўлаб бозор фондида чиқарилади ва нақд пулга сотиб юборилади. Натияжада «Сурхондарёнефтьмақсулотлари» шўба унитар корхонаси ва давлат манфаатлари 258 миллион 105 минг 785 сўмлик зарар етказилди.

Ўтказилган текшириш жараёнида мазлум бўлдики, С. Абрайқулов ўз давлатида ишлаб турган чоғида

корхонасида шу йўл билан 129342 литр дизель ёнгилиси ва 150375 литр бензин, Денов туман нефть мақсулотлари корхонасида 77352 литр дизель ёнгилиси ва 12089 литр бензин олиб қўлиниб, ноқонуний равишда нефть базаларидан чиқарилиб, нақд пулга сотилган ва уюшган жиний гурӯҳ аъзолари томонидан ўзлаштирилган. Умуман, уша йили хўжалиқларга тегишли ёнгил-мойлаш материалларининг ўзлаштирилиши оқибатида Термиз, Ангор, Шеробод, Жарқўрғон, Бандихон, Қизирик, Кумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Узун туманларидаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг манфаатлари 254 миллион 28 минг 727 сўм миқдорда зарар етказилган.

Теров натияларига кўра, «Сурхондарёнефтьмақсулотлари» шўба унитар корхонаси директори С. Абрайқулов, бош ҳисобчи И. Шукўров, Термиз шаҳар нефть мақсулотлари корхонаси директори Ш. Нориев, Жарқўрғон туман нефть мақсулотлари корхонаси директори У. Холлиев, Денов туман нефть мақсулотлари корхонаси директори Ж. Бўриев, Шўрчи туман нефть мақсулотлари корхонаси директори Ж. Холмуродов ва бош ҳисобчилари, бошқа мансабдор ва моддий жаобдор шахслар — жами 123 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жаобдорликка тортилди. Жиноят ишлари суудларга қўрилиб, уюшган жиний гурӯҳнинг ҳар бир аъзоси қўлинишга яраша жазосини олди.

Тергов жараёнида ишла айландуви тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахслардан 90 ми-



ТО)нинг соврини берилди. Умуман сармоёси 502 млн. АҚШ долларини, активлари эса қарийб 3,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи «Ўзмиллийбанк» Марказий Осиёдаги энг катта банкдир.

Россия молия бозорларидаги фаолиятни кенгайтириш мақсадида 1996 йилнинг сентябрь ойида Москвада «Ўзмиллийбанк»нинг шўба банки — «Азия-Инвест банк» очилган эди.

Миллий банк, шунингдек, ЕТББ ва

жўнатмалари юбориш, хорижий валютадаги «Аmerican Express» йўл чеклари сотиш, автокредитлар, «Замонавий мулкдор» маҳсулоти доирасида фонд бозорида қимматли қўғозларни харид қилиш ва сотиш каби хизматлардан фойдаланиш имконияти ва бошқа кўплаб кулайликлар чакана миқозларни ўзига жалб этмоқда.

«Ўзмиллийбанк» миллий валютада ҳам, VISA халқаро тўлов тизими билан бирга хорижий валютада ҳам чиқараётган пластик картчалар эса аҳолига кўрсатилган хизматлар рўйхатида асл дурдона ҳисобланади.

1996 йилгача асосан саноатнинг экспорт билан шуғулланувчи соҳалари вакиллариан иборат бўлган банкнинг мижозлари ҳозирда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳисобига ҳам кенгайиб бормоқда.

Миллий банк 1994 йилдан буён Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТББ), Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Германия Тараққиёт банки (КФВ), ОПЕК фонди ва бошқа турли халқаро молия муассасаларининг кредит йўналишлари ҳам муваффақиятли ўзлаштириб келмоқда.

Валютада имтиёзли кредитлар ажратилиши — 3 йилгача муддатга берилган микрокредитлар ҳам кен қўлланилмоқда.

«ЎЗМИЛЛИЙБАНК»НИНГ МИЛЛИЙ МИССИЯСИ

Катта нарсалар узокдан яхши кўрилади. Истиқболнинг 12 йиллик чўққисидан туриб қаралса, мамлакатимиз Президентини томонидан ишлаб чиқилган ислохотлар концепцияси ҳамда ҳаммамизга яхши маълум бўлган беш тамойилга таяниб, давлатимиз ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини барпо этиш борасида нақдлар катта йўлни босиб ўтганлиги кўзга яққол ташланади.

Албатта, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида жаҳон молия муносабатлари тизимига кириб бориши, инвестициялар ва сармоёлари жалб этиш вазифаси кредит-молия муассасаларини жуда тез ривожлантиришни талаб этарди.

Бу банк, айтиш мумкинки, иқтисодиёт талабларига тез мослашган ҳолда ўсиб бори.

«Ўзмиллийбанк»нинг шўба банки — «Азия-Инвест банк» очилган эди. Бугун у Россия Федерациясининг банк хизматлари бозорига мустақкам мавжга эга.

ХМК билан бирга икки қўшма банкнинг муассасаларидан бири ҳисобланади. Булар — «АБН АМРО банк» Ўзбекистон-Голландия қўшма банки ҳамда «УДЭУбанк» Ўзбекистон-Корея қўшма банки.

Ишонч — энг муҳим сармоя

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил биринчи ярми якунидаги бағишланган мажлисида Президентимиз банк тизимига бўлган ишончини мустақкамлаш нақдлар муҳимлигини таъкидлади.




Маблаг қабул қилинди. Умуман, 2003 йилнинг биринчи ярмида валюта ҳисобварақларига жалб этилган омонатлар ўсиш 20 фоиздан ошди.

«Электрон ҳамён» деб аталувчи «Ўзмиллийбанк» сўм пластик картчаларининг 150 мингдан кўпроғи ҳам муомалага чиқарилган бўлиб, у ҳисоб-китобларнинг бу янги турига «халқ» ёки «оммавий» мақомини беришга интиломоқда.

«Ўзмиллийбанк» картчалари, шунингдек, республикамизнинг 500дан кўпроқ йирик савдо-сервис корхоналарида тўлов воситаси сифатида қўлланилмоқда.

Ҳозирги вақтда иш ҳақи лойиҳалари доирасида жамсоний шахслар учун корпоратив ва кредит картчаларини муомалага чиқариш ишлари оlib боришмоқда.

Миллий банк ўз мижозлари учун VISA Classic ва VISA Electron халқаро пластик



картчаларини чиқаришни ҳам давом эттирмоқда, хорижий банклар чиқарган картчаларга (VISA ва EuroCard/MasterCard) ағаларига ҳам хизмат кўрсатаётти.

Шу йил май ойида чакана мижозларига янги хизмат тури — магнит тасма VISA халқаро картчалари бўйича банкнинг орқали миллий валютада нақд пул беришни тақлиф этган эди.



маблаг қабул қилинди. Умуман, 2003 йилнинг биринчи ярмида валюта ҳисобварақларига жалб этилган омонатлар ўсиш 20 фоиздан ошди.



Кредит маблағлари ажратиладиганда биринчи навбатда иқтисодий устуворликлар ҳам, минтақадаги эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинмоқда.

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш умулдавлат дастуридаги банк иштроки натижаларини эса биз биринчи даражада хизматлар кўрсатиш соҳаси кенгайиб бораётганиданда, шунингдек, дўкондоримиз пештакталаридаги маҳсулотлар миқосида кўришимиз мумкин.

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш умулдавлат дастуридаги банк иштроки натижаларини эса биз биринчи даражада хизматлар кўрсатиш соҳаси кенгайиб бораётганиданда, шунингдек, дўкондоримиз пештакталаридаги маҳсулотлар миқосида кўришимиз мумкин.



Фонд бозоридаги энг катта инвестор Кимматли қўғозлар бозори молия бозорининг бир қисми ҳисобланади.

Улкан кема узокқа сузади

Жаҳоннинг энг катта банклари қаторида ишлаш учун икки шартга риоя этиш керак. Бу — техникавий базани такомиллаштириш ва юксак малакали ходимларга эга бўлиш.

Шундай экан, ўз фаолиятининг бошланишидаёқ, мамлакатимизнинг барча муҳим иқтисодий минтақаларида 99 та бўлим ва филиал ташкил этишга Миллий банк бу вазифани ҳал этишга доимо жиддий эътибор бериб, энг янги технологияларни жорий этиб келмоқда.

Миллий банк тижорат банклари орасида биринчи бўлиб Блумберг, Деит Стрим, Рейтер, Телерейт, Спринг, Свифт, Интернет, Виза ва бошқа обрўли халқаро молия коммуникациялари аъзо бўлди.

Яқин тайёргарлик кўрган ходимлар-сиз банк тизими албатта самарали ишлаётмайдми. Шу боле Миллий банк Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичи — хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва жамалаштириш, республикамизда хусусий шўбага кенг ривожлантириш, корпоратив бошқарув тизимини тартибга солиш босқичига кирди.

Мамлакатимиз раҳбариятининг доимий маддаини эҳти ётиб турган Миллий банк жамоаси истиқбол ҳамда Ўзбекистон Республикасининг келажакда буюк давлат қуриш йўлидаги иқтисодий сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш ишига ўз ҳиссасини қўшаверди.

Вера РУДАКОВА.

ИНТЕРНЕТ *

Интернет, айланадиган номингдан сенинг, Гапга лим-лим тўлуғ жомингдан сенинг.

Бугун бу дунёнинг эгаси сенсан, Поёйсиз оламнинг эркаси сенсан.

Секин Ер юзини айладинг ишғол, Бир ишинг яхширо, бир ишинг — ишқал.

Сен сўнмай, сўлмай ёз-қиш яшайсан, Қитъадан қитъага миш-миш ташийсан.

Зангор кўзларингда ҳамма нарса бор: Ким ишдан кетдию, ким эса — бемор.

Тунлар ёритасан кулдонларни ҳам, Бир зум тиш қўймайсан суатокларни ҳам.

Ишинг бор подшою чўпонга қадрар, Дарров еткисасан ёпонга қадрар.

Қочиб қутулмагай сендан пулдорлар, Танноз санамлару сатанг дилдорлар.

Савдолар сендаю гавғолар сенда, Энг сўнги фитнакор иғволар сенда.

Гарчи кеча-кундуз уйкуларинг йўқ, Лек сенинг инсоний тўйгуларинг йўқ.

Қалбу рўзгорига кириб бордингни, Бирор камбағалдан сен ҳол сўрдингни?

Бойсунда бир мунгул мактаб-интернат, Хабаринг бормидир бундан, Интернет?

Уйласам, кўзимда жолаларим бор, Унда менинг маънос лолаларим бор.

Улар ҳам усиб чинор бўлгилар, Улғийиб соҳиб диёр бўлгилар.



Очиқ айтайинми энди бетингга: Ота булоднингми бирор етимга?

Туганмас фол билан роминдан сенинг, Интернет, айланадиган номингдан сенинг!

Зўр бўлсанг хабар бер, берил қафолат, Қачон Ер юзиде тугар жаҳолат?

Одамзот меҳрга қачон тўйгайдир? Қачон ёмонликнинг уйи куйгайдир?

Айтмил ука-синглим, яна боламга: Қачон муттаҳамлар битар оламда?

Тонг чоғи сен шамол эстириб бергила, Зўр бўлсанг, бир ниҳол ўстириб бергила!

Сен асли камолот белгиси, ҳузур, Сал ранжитган бўлсан, Интернет, узр.

Сенда ҳам бир ажиб таътиқлар бор, Янги келинчақдай янгиликлар бор.

Олис элларга нур ришталар еткиз, Менинг юртимдан ҳам мужоалар еткиз.

Токи хуш саҳарлар кўмсин дунёни, Кўмса хушхабарлар кўмсин дунёни!

Сирожддин САЙИД.

ИЗОХ: Бутун жаҳон ахборот тармоғи саналмиш «Интернет»да фойдали хабарлардан ташқари гоҳи-гоҳида ақл бовар қилмайдиган уйдирма гаплар ҳам кўришиб қолади...

Хабарлар оқимидан

Тошкентдаги «Оила» тиббий марказида «Соглом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан «Мустақиллик тенгдошлари» мавзуда концерт ўтказилди.

Болалар қалбига қувонч улашиб...

Тадбирга Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари ва маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг Истиклолимизга тенгдош бўлган фарзандлари таклиф этилди. Улар «Томоша» болалар театр-студиясининг чиқишларини мириқиб томоша қилдилар. Байрам болажонлар қалбларига катта қувонч бағишладилар.

Ғолиблар Жаҳон чемпионатида боришади

Жиззахдаги олимпия захиралари коллежиде кураш бўйича республика мусобақалари бўлиб ўтди. Уч кун давом этган бешлашуларда 20 ёшга бўлган юз нафардан зиёд ўғил-қизлар иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган спортчи йигитлар саккиз вази тоифасида майдонга тушинган бўлса, қизлар тўрт вази тоифасида курашдилар.

Ғолиб спортчилар шу йилнинг октябрь ойида Шри Ланкада ўтадиган Жаҳон биринчилигида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишади. Меъбонлардан бу юксак шарафга Дўстлик тумани курашчиси Олим Раҳманов (66 кг) ҳамда пахтакорлик Севара Мусаева (57 кг) сазовор бўлди. Баҳриддин САТТОРОВ «Халқ сўзи» мухбири.

Хотира

Ҳар бир ижодкорнинг ўй-фикрлари, ҳис-туйғулари, боринги, бутун жон томири ўзи яшаётган давр билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ижодкор ўз замонасининг солномачисига айланади. Бу солномада санъаткорни тарих саҳнасига чиқарган замондошларининг оруз-армонлари, мураккаб кечинмалари, бутун бир ички дунёси акс этади, ўзининг тажассумини топади.

Шоир ва журналист, узоқ йиллар «Хоразм ҳақиқати» газетасига муҳаррирлик қилган раҳматли Эгам Раҳим ана шундай ижодкорлардан эди.

Эгам Раҳимнинг шеърлари матбуотда эълон қилинган, кўшиқ қилиб улкан саҳналардан куйланаётган вақтларда биз ҳали эндигина эсимизни таниётган болакайлар эдик. Замон ўзининг бор мураккабликлари ила бизнинг идрокимизга нафақат XX аср ўзбек шеърининг буюк жарчиси Фағур Фуломнинг оташин мисралари билан, айна пайтда, унинг лаёқатли шогирди, Хоразмнинг ўзига хос «Фағур Фулом»и Эгам Раҳимнинг ҳам шеърлари билан кириб келгандир.

ЖУРНАЛИСТИКАДАГИ ШЕЪРИЯТ

ҳамда шеърятдаги журналистиканинг мухтор вакили эди у

Ўз ижодини Фағур Фулом, Уйғун сингари машхур шогирдлардан андоза олиб бошлаган Эгам Раҳим ижоди йилдан йилга ўзига хослик касб этиб, тобора ёрқин, бетакрор пардаларда жаранглай бошлади. Бир қалам туртиш билан бутун бир даврларнинг қўёфасини ўхшовли қилиб чица оладиган даражада маҳорат пиллапояларини эгаллади:

Аму йўли тарих кўзгуси,
Минг йилликлар даври елкада.
Сув — латинг азиз,
Эзгуси бўлиб келди қадим
ўлкага.
Чанқоқни бир босмоқ
орзу деб,
Кўтарилди оҳ ила додлар.
Қирғоғида бир қатра
сув деб
Увос тортти
авлод-аждоғлар...

Эгам Раҳим китобларини арақлар эканмиш, шоир, жапонмард боболаримиз ўнгит қилиб кетганларидек, «хос сўзни хос одамга хос жойда ва хос вақтда» айтиш армони билан ижод этганига, ҳаммаша шеърят сўқмоғининг юракни ҳақиқат йўлларига олиб чиқиш даражасида мусабфо бўлмоғини умид қилганига амин бўламиз:

Уфқлар қадарли кетинг,
мавж олинг,
Серқатнов сўқмоқлар
мудом суяқроқ.



Кенг йўллар авжига сиз содиқ қолинг,
Нопок қадамларга топтамалар бироқ.

Шоир ҳақиқатни айтиш рибазтини чекар экан, бир ҳақиқатни теран англаб етди. Бу ҳақиқат шундан иборат эдики, ижодкор ҳаммаша ўз юрагининг содиқ маслақдо-

ши бўлмоғи, ўз навбатда, юраги ҳам унинг вафоли дўсти бўлмоғи шартдир. Юрак билан ҳамнафас яшамокнинг эса ўзи бўлмасди. Бу бир лаҳза ҳам танаффус билмайдиган уқубатли имтиҳон эди. Бу имтиҳон шоирни, айнақса, умрининг охириги йилларида қаттиқ забтига

олди. Лекин... ким билади, балки, аксинча, ана шу имтиҳоннинг уқубатлари оқибатида шоирнинг умри бевақт охирига қолгандир.

...Бугун ҳам фаол ижодий меҳнатда бўлган журналист дўстларимдан, шоирнинг шогирдларидан сўрайман, «Эгам Раҳимнинг қайси фазилатларини ёзишдан бошласам экан мақолани?» Улар узоқ ўйга толдилар. Фазилатларини эслай олишмаганидан эмас, йўқ, Аксинча, марҳум устоз фазилатлари-

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. УТБОСАРОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Иجتимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетачилар билан алоқа ва минақалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 868,
23016 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — У. ФАЙЗИЕВА.
Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА.
Мусабҳих — Ш. МАШРАББОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
1 — тижорат материалли.

«Шарк» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.


Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилади — 21.25
1 2 3 4 5 6

GSM UZDUNROBITA first cellular

ЭНГ ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ

1йил = 12 ВИЛОЯТ

МОБАЙНИДА GSM ХАРИТАСИДА



Мобил пейжинг хизматлари **PAGE** (088) ва **1067** (067) компаниялари билан.
NEW! Халқаро роуминг ва **СМТ** (Россия) компаниялари тармоғида.
NEW! Қўйидаги компаниялар муштарийлари билан халқаро SMS алашинуви: KyivStar (Украина), MoNet (Черногория), CenterTel (Польша), VakCell (Озарбайжон), MTS (Беларусь) ва TMobile (Чехия).

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ:
ЧМОН ЮСУПОВ КЇЧАСИ, 16-ҲИ ("ЛАВЗАК")
1300909, 13 10909, 1030909
UZDUNROBITA ҚК ТЕЛЕФОНЛАРИДАН - 6 1 1
WWW.UZDUNROBITA.UZ

«Нефтчи» яна очко йўқотди

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати 21-турининг марказий учрашуви, шубҳасиз, Андижонда бўлиб ўтди. Иккинчи даврада таркибни бир қатор истеъодли футболчилар билан кучайтирган «Андижон» чемпион бўлиш учун жиддий кураш олиб бораётган «Нефтчи» жамоасини қабул қилди. Мурсосиз кечган баҳса ҳар иккала жамоа вакиллари ҳарчанд уринишмасин дарвозаларни ишғол қила олмадилар. Юрий Саркисян шогирдларининг са-

фарда дуранг натижани қайд этиши «Пахтакор»ни чемпионлик сари яна бир қадам яқинлаштирди. Пойтахтликлар ўз майдонда Муборакнинг «Машъал» жамоаси дарвозасига жаъбосиз учта тўп йўллаб, карвонбошлик мавжесини анча мустаҳкамлаб олишди. Улар фарғоналиклардан битта кам ўйин ўтказишларига қарамай, тўрт очкога илгарилар кетишган. «Цементчи» бу турда яна шов-шувли натижага эришди. Куваёсийликлар учинчи ўрин-



да бораётган «Қизилқум»ни 1:0 ҳисобида енгиб, турнир жадвалида икки поғона юқорига кўтарилиди. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қўқон-1912» — «Самарқанд-Динамо» 1:0, «Дўстлик» — «Металлурги» 1:2, «Сурхон» — «Гулистон» 2:1. «Бухоро» ва «Навбахор» ўртасидаги учрашув айрим сабабларга қўра кейинга қолдирилди. **Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Газетанинг навбатдаги сони 9 сентябрь, сейанба кун чикади.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

SHAYHONTOHUR TEXTILE

AYGEN COLLECTION

МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Аёллар, болалар ва эркаклар учун юқори сифатли спорт ва трикотаж кийимлари.

Тадбиркорларни Ўзбекистон ва МДХ бўйича дистрибуторликка таклиф этамиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, Максуд Шайхзаода кўчаси, 1-уй.
Тел.: 116-86-57. Факс: 116-86-53.
Мулоқот учун шахс: Абдулвоҳит Ибрагимов.
E-mail: shayhontohur.textil@uzpak.uz www.shayhontohur.com

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Бахтияр Исмаилова онаси **Мажиду ИСМАИЛОВ**нинг вафот этганини муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Файласуфлари мидий жамияти фалсафа фанлари доктори, профессор **Сергей ХАН**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Банк-мония академияси докторанти Шавкат Тешаевга турмуш ўртоғи **Матгула АСЛАНОВА**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.